


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2020 ЙИЛ – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2020 йил 2 апрель, № 68 (7570) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# КОРОНАВИРУСГА ЧАЛИНГАН БЕМОРЛАРДАН ЯНА ТЎРТ НАФАРИ ШИФО ТОПДИ ВА РЕАБИЛИТАЦИЯГА КУЗАТИЛДИ

Воқеа тафсилотларини видеолавҳада кўринг

***Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда коронавирус инфекцияси тарқаб кетишининг олдини олиш ҳамда ундан сақланиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар белгилаб олиниб, тезкор зарур чоралар кўрилаётгани халқимизнинг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлаб, фуқаролар ҳаёти ҳамда соғлиғини ҳимоя қилишда ютуқларимиз омили бўлмоқда.***

## Хушхабар

Ўтган кунлар давомида мамлакатимизда коронавирусга чалинган 8 нафар беморнинг соғайгани ҳақидаги хабарлар ҳар бир юртдошимиз кўнглида илиқ туйғулар уйғотганди. Бугун эса яна бир хушхабар. Коронавирус инфекциясига чалинган беморлардан тўрт нафари бутунлай соғайди. Улар мутасаддилар томонидан Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказига кузатилди.

➡ 2





**— Бу воқеа нафақат мен, балки мана шу касалликка қарши курашаётган жамоамиз учун ўзига хос совға бўлди, — дейди олий тоифали шифокор Малика Низомхўжаева. — Нега деганда, бугун, 1 апрель таваллуд топган куним. Шифокор учун бемори тузалганидан ортиқ совға борми?!**

*(Малакали мутахассис ҳаёти учун энг қадрли кунда ҳам беморлар ҳаёти учун курашмоқда. Бу ҳақиқий жасорат ва фидойилик намунасидир).*

## Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

### Парламентлараро алоқалар ривожи йўлида

*Парламент қуйи палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг видеоконференц шаклидаги кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.*

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари А. Саидов иштирок этди.

Тадбирда дастлаб Марказий Осиё мамлакатлари парламентлараро дўстлик гуруҳи концепцияси лойиҳаси тўғрисидаги масала юзасидан фикр билдирилди. Депутатлар ушбу дўстлик гуруҳини ташкил қилиш ғояси Марказий Осиё давлат раҳбарларининг 2019 йилнинг 29 ноябрь куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Маслаҳат учрашуви йиғилишида Президентимиз томонидан илгари сурилганини таъкидлашди.

Ҳозирги кунда концепция лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлиб, у қўмита аъзолари томонидан дастлабки тарзда концептуал жиҳатдан кўрилмоқда. Унда парламентлараро дўстлик гуруҳининг мақсад ва вазифалари баён қилинган. Шунингдек, дўстлик гуруҳини тузиш тартиби ҳамда унинг фаолияти билан боғлиқ бошқа ташкилий-ҳуқуқий масалалар белгиланган.

➡ 3

## Депутат фикри

### ЕОИИ билан ҳамкорлик биз учун устуворми?

*Бугунги кунда Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлик қилиш ёки қилмаслик долзарб мавзу бўлиб қолмоқда. Ушбу масала халқимиз келажаги учун муҳимлигини инобатга олиб, давлатимиз раҳбари уни Ҳукумат томонидан парламент муҳокамасига киритилиши ва халқ вакиллари билан батафсил кўриб чиқилиши вазифасини топширган эди. Бунда, энг аввало, халқ манфаатларидан келиб чиқиб, унинг хоҳиш-иродасига таяниш лозимлиги таъкидланган эди.*

Албатта, Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиши унинг жаҳон иқтисодиётига интеграллашуви қай даражада экани билан боғлиқдир. Балки кимгадир ЕОИИга аъзо бўлиб кириш бир поғона юқорига кўтарилиш бўлиб туюлар. Лекин шу ўринда унутмаслигимиз керакки, бизнинг олдимизда бошқа муқобил йўллар ҳам бор: Шанхай ҳамкорлик ташкилоти билан алоқаларни кучайтириш, Марказий Осиё давлатлари ўртасида эркин савдони ўрнатиш ёки ЕОИИга кузатувчи сифатида қўшилиш шулар жумласидандир.

➡ 3

## Эътироф

Япониялик профессор:

### КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИНИ ЎРГАНИШ ВА ҚЎЛЛАШНИ МАСЛАҲАТ БЕРАМАН

*Токиодаги Жунтендо тиббиёт университетининг фахрий профессори, Токио Олимпия ўйинлари ташкилий қўмитасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаши аъзоси Момоко Чиба "Дунё" АА мухбирига интервьюсида Ўзбекистонда коронавирус инфекциясига қарши курашиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларга юқори баҳо берди.*

➡ 2

Эрон соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари:

### ЎЗБЕКИСТОН РАҲБАРИЯТИ ФУҚАРОЛАР СОҒЛИҒИ ВА ҲАЁТИ УЧУН ҲАҚИҚИЙ ҒАМХЎРЛИКНИ НАМОЙИШ ҚИЛМОҚДА

*Коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш бўйича Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қамровли чора-тадбирлар хорижий давлатлар соғлиқни сақлаш соҳаси мутахассислари томонидан ҳам эътироф этиляпти.*

*Хусусан, дунёда коронавирус сабаб ўлим даражаси юқори бўлиб турган Эрон Ислом Республикаси соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Асади Лари, шунингдек, вазирлик мутахассислари Фареште Зироатий ва Муҳаммад Меҳди Гуё Ўзбекистон раҳбариятининг дунёнинг аксарият давлатлари дуч келаётган муаммоларга тезкор ечим топиш бўйича амалга ошираётган ишларга юқори баҳо берди.*

➡ 2

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ОДИМЛАРИ

**Одамларимиз юртимизда рўй бераётган туб ўзгаришларни, олиб борилаётган ислоҳотлар натижаларини эртага ёки узоқ келажакда эмас, балки бугун ўз ҳаётида ҳис этиши керак.**

Шавкат МИРЗИЁЕВ

### БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

Сўнгги уч йил Самарқанд вилояти учун жиддий ўзгаришлар йили бўлди. Гарчи ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар кўп бўлса-да, одамлар ислоҳотлар самарасини аллақачон ўз турмушларида сезишмоқда.

Вилоятнинг барча ҳудудида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бошланган "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла", "Обод марказ" дастурлари асосида туман марказлари, қишлоқ ва маҳаллаларда аҳолига замонавий яшаш шароитлари яратиляпти.

### Жўшда жўшқин ҳаёт нафаси




Қўшработ туманидаги кенгликлар, қир ва адирлар бағрида жойлашган Жўш қишлоғи қадим тарихга эга. Олиму фузалолар, ижодкорлар, маърифатпарварларга бешик бўлган бу қишлоқдаги маҳаллаларда айни пайтда 40 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Улар узоқ йиллар давомида мураккаб шароитларда қийналиб яшашга мажбур бўлиб келаётган эди.

"Обод қишлоқ" дастури асосида улкан ҳажмдаги қурилиш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилди-ю, қисқа фурсатда Жўш қишлоғининг қиёфаси янгиланиб, том маънода, обод ва ораста масканга айланди.

➡ 4

## Инсонпарварлик ёрдами — азалий дўстлик ифодаси

*Айни кунда коронавирус пандемияси дунё халқларини жиддий ташвишга солмоқда. Ушбу кўзга кўринмас офат кўплаб давлатлар иқтисодиётини издан чиқариб юборди. Ана шундай оғир шароитда бир-бирини қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамият касб этади.*

### Кўмак

Президентимиз ташаббуси билан шу кунга қадар коронавирусдан азият чекаётган мамлакатларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатилаётгани эътиборга молик. Хусусан, коронавирус тарқалишининг олдини олишга кўмаклашиш мақсадида қўшни Қирғизистон Республикаси ва Афғонистон Ислом Республикасига юборилган инсонпарварлик ёрдами ҳам азалий дўстликнинг амалдаги ифодаси бўлди, десак, адашмаймиз.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг барча давлатлар қаторида, Қирғизистон ва Афғонистон билан сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, банк-молия, фан-техника, саноат, қишлоқ ва сув хўжалиги, туризм ҳамда бошқа соҳалардаги ҳамкорлик алоқалари ҳам янги босқичга кўтарилди.

➡ 2

## «Эъзоз ва эътибордан умримизга умр қўшилаётир»

Президентимизнинг 2020 йил 30 мартдаги "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган инсонпарварлик сиёсатининг яна бир ёрқин ифодаси бўлди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, юртимиздаги Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ўн миллион сўм миқдорида пул мукофоти бериладиган бўлди. Шубҳасиз, бундай эътибор ва ғамхўрлик хонадонларимиз фариштаси бўлган нуронийларнинг кўнглини тоғдек кўтариб юборди. Буни уларнинг қуйидаги дил сўзларидан ҳам англаш мумкин.

### Дил сўзи



➡ 2-саҳифага қаранг

## Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизмати БАЁНОТИ

Афғонистон раҳбарларининг инклюзив музокаралар жамоасини шакллантириш тўғрисидаги келишувини Ўзбекистон олқишлайди ва буни ички сиёсий инқирозни тинч йўл билан ҳал этиш жараёнидаги муҳим қадам, деб қабул қилади.

Айни босқичда ўт очишни ва зўравонликни тўхтатиш бўйича аввал эришилган келишувларнинг бажарилиши, барча манфаатдор томонлар, шу жумладан, "Толибон" ҳаракати иштирокида умуммиллий афғонлараро мулоқотга ўтиш ўта муҳимдир.

Ўзбекистон Афғонистон халқи билан дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, мамлакатда барқарор ва узоқ муддатли тинчлик ўрнатиш жараёнини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тарафдори эканлигини яна бир бор баён қилади.

## ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИДА ИЛК БОР ЕВРО-4» ВА «ЕВРО-5» СИФАТЛИ ДИЗЕЛЬ ЁНИЛҒИСИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛДИ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2020 йилнинг 6 февраль куни нефть-газ саноатидаги ишлар натижадорлиги, табиий газ ва суюқ углеводородлар қазиб олиш ҳажмини ошириш бўйича вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказилган эди.*

Давлатимиз раҳбари томонидан ушбу йиғилишда иштирок этган "Ўзбекнефтгаз" акциядорлик жамиятининг янги раҳбари, бошқарув раиси Меҳриддин Абдуллаев олдига нефть-газ соҳасида жорий йилда амалга оширилиши лозим бўлган долзарб вазифа ва топшириқлар белгилаб берилди.

➡ 2

### КОРОНАВИРУС бўйича маълумот:



*дунёда*

2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра,
жами касалланганлар сони — **888 702** нафар,
касалликдан тузалганлар сони — **188 758** нафар,
вафот этганлар сони — **44 346** нафар.

*Ўзбекистонда*

2020 йил 1 апрель соат 21.40 ҳолатига кўра,
касалланганлар сони — **181** нафар,
тузалганлар 12 нафар,
вафот этганлар 2 нафар.

## УЙДА ҚОЛИНГ!

# КОРОНАВИРУСГА ЧАЛИНГАН БЕМОРЛАРДАН ЯНА ТЎРТ НАФАРИ ШИФО ТОПДИ ВА РЕАБИЛИТАЦИЯГА КУЗАТИЛДИ

← 1

Таъкидлаш жоизки, шу кунга қадар Ўзбекистонда 12 нафар бемор бу дарддан шифо топди. Вирусология илмий текшириш институти клиникаси бош шифокори, тиббиёт фанлари доктори Муҳайё Асилованинг айтишича, яқин кунларда яна ўн уч нафар бемор коронавирусдан бутунлай соғайиши кутилмоқда.

Беморларнинг соғлом ҳаётга қайтишида Вирусология илмий текшириш институти клиникаси жамоасининг баҳамжиҳат бўлиб, зиммасига юкланган масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда меҳнат қилаётгани муҳим аҳамият касб этяпти. Бунинг учун шифохонада барча шароит яратилган, дори-дармон, замонавий тиббий технологиялар, ҳимоя воситалари билан таъминланган.

Яна бир эътиборли жиҳати, айни мураккаб вазиятда малакали шифокорларимиз томонидан беморларни даволашда дунё тажрибаси, хусусан, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсиялари, коронавирус инфекциясини жиловлай олган Хитой, Жанубий Корея каби давлатларнинг амалий ишлари ўрганилиб, амалиётда қўлланилмоқда. Ҳар бир беморга илмий асосда ёндашилиб, стандартлар бўйича даволаш чоралари кўрилмоқда.

Шунингдек, клиника жамоасининг пульмонология, кардиология, терапия, эндокринология каби қатор ихтисослашган соҳа мутахассислари билан телемулоқот ўрнатгани ҳам коронавирус инфекциясига қарши курашда қўл келаётир. Тор мутахассислар билан ҳамкорликда беморларнинг ҳолати юзасидан маслаҳатлашиш аниқ ташхис қўйиш ва даволаш имконини беряпти. Шу каби қатор омиллар аксарият беморлар аҳволининг яхшиланишига олиб келмоқда, соғайиши тезлашяпти.

Эслатиб ўтамиз, ҳозирги кунда нафақат пойтахтимизда, балки вилоятларда ҳам тиббиёт ходимлари коронавирус инфекциясига чалинган беморларнинг соғайиб кетишлари учун бор маҳоратларини ишга солган ҳолда матонат билан курашмоқда.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Бу жараёнда фуқароларимиз аҳил, иноқ бўлиб, интизом билан карантин қоидаларига қатъий амал қилса, албатта, бу бало юртимиздан чекинади.

**«Халқ сўзи».**

# «Эъзоз ва эътибордан умримизга умр қўшилаётир»

← 1

**Усмон ДОНАЕВ,**
**Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси (Қашқадарё вилояти):**

— Болалигим, ёшлик йилларим оғир замонларга тўғри келди. Номи ўчгур уруш туфайли қанча ерлар вайрон бўлди, қанча болалар етим қолди. Уч акам оловли жанггоҳларда қолиб кетди. Ўзим ярадор бўлиб қайтиб келдим. Одамлар очликка, азоб-уқубатларга гирифтор бўлди... Ҳаёт топиш ва йўқотишдан иборат экан. Аллоҳга беадад шукр, менинг бу ҳаётда топганларим йўқотганларимдан кўпроқ.

Бугун юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо. Элимиз эъзозида, фарзанду набираларимиз, чевараларимиз ардоғида шукрона айтиб яшаяпмиз. Айниқса, Президентимизнинг доимий эътибори руҳимизни кўтариб, кучимизга куч қўшмоқда. Куни кеча давлатимиз раҳбарининг Фармонига кўра, ўн миллион сўмдан бир марталик мукофот пули берилишини эшитиб, жуда хурсанд бўлдим. Етказганига шукр. Бундай тўкис ва хотиржам ҳаёт одамни ёшартириб юборар экан. Ҳамширалар соғлиғимиздан мунтазам хабар олиб туришади. Ҳокимиятдан вакиллар совға-саломлар билан кўриб кетишади. Эъзоз ва эътибордан умримизга умр қўшилаётир.

**Бектемир ҚАРШИБОЕВ,**
**Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси (Самарқанд вилояти):**

— Навқирон йигитлик давримнинг етти йили Иккинчи жаҳон урушида тинчлик, хотиржамликка эришиш йўлида ўтди. Биз кўрган азоб-уқубатларнинг чеки йўқ.

Турмуш ўртоғим билан 70 йилдан буён аҳил-иноқликда яшаб, тўрт ўғилни вояга етказиб, бугун 13 невара, 9 эваранинг суюкли бобо, момоси бўлиб, кексалик гаштини суриб юрибмиз. Президентимизнинг Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисидаги Фармонини эшитиб, кўзларимга ёш келди. Юртбошимизга раҳмат, бизни доимо қўллаб-қувватлаб, кўнглимизни тоғдек кўтариб туради.

Бугун юртимиз, халқимиз ўз бошидан синовли дамларни ўтказяпти. Шундай вазиятда ҳам бизни унутмаган Президентимиз бошимизга омон бўлсин! Бу дунё шундай синовли дунё экан. Бундай дамларда ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибатни унутмаслик керак. Барча бирдек курашса, ҳар қандай муаммога ечим топилади, ҳар қандай ёв енгилади. Кампирим билан туну кун дуодамиз. Илоҳим, юртимиз тинч-осойишта бўлсин! Бошимизга тушган бу синовларни сабру бардош билан енгамиз. Муаммоларни енгишда Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин!

**«Халқ сўзи».**

Япониялик профессор:

# КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИНИ ЎРГАНИШ ВА ҚЎЛЛАШНИ МАСЛАҲАТ БЕРАМАН

← 1

— Коронавирус инфекцияси (COVID-19)нинг дунёда тарқалиши ва Ўзбекистоннинг ушбу офатга қарши кўраётган қатъий чораларини катта қизиқиш билан кузатмоқдаман, — дейди М. Чиба. — Шуниси эътиборга лойиқки, мамлакат раҳбарияти вазиятни бошиданоқ назоратга олди. Бунинг самарасида Ўзбекистонда коронавирус билан касалланганлар сони тез ўсишининг олди олинди.

Шу билан бирга, республикада олий ўқув юртлари, мактаблар ва болалар боғчаларининг вақтинча ёпилиши жуда тўғри қарор бўлди. Ушбу масалада бепарволик олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келиши мумкин эди.

Ўзбекистон коронавирус талафотларини ўз бошидан ўтказган Хитой, Жанубий Корея ҳамда бошқа мамлакатларнинг тажрибасини ўз вақтида ва самарали ўрганишга муваффақ бўлди. Бу, ўз навбатида, мазкур инфекция билан курашишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Таъкидлаш керакки, фуқаролар карантин даврида ўз ҳукумати томонидан эълон қилинган барча кўрсатма ва тавсияларга амал қилишлари шарт. Бу касалликнинг мамлакат бўйлаб тарқалишининг олдини олишга ёрдам беради. Бугун Ўзбекистонда махсус карантин зоналари яратилаётгани ҳақида эшитяпмиз. Ушбу ҳолат давлат ўз халқи саломатлиги ва келажаги учун қайғураётганидан далолат беради.

Яна бир гап, бугунги кунда инфекция тарқалиши муаммоси алоҳида давлатлар учун эмас, балки халқаро аҳамиятга эгалиги аниқ. Барча биргаликда курашиши керак. Ер юзидаги одамлар бир оиланинг аъзолари эканини ва бу оила ҳамма бир-бирига ёрдам бериши кераклигини чуқур англашимиз даркор. Мен дунё мамлакатларига Ўзбекистон тажрибасини ўрганиш ва қўллашни маслаҳат бераман.

**«Халқ сўзи».**

Эрон соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари:

# ЎЗБЕКИСТОН РАҲБАРИЯТИ ФУҚАРОЛАР СОҒЛИҒИ ВА ҲАЁТИ УЧУН ҲАҚИҚИЙ ҒАМХЎРЛИКНИ НАМОЙИШ ҚИЛМОҚДА

← 1

— Ўзбекистонда чет элдан қайтган фуқароларни карантинга олиш мақсадида янги йирик марказ, шунингдек, юқумли касалликлар бўйича қатор шифохоналар қурилаётгани, шубҳасиз, мамлакатда коронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олишда юқори самарадорликни таъминлайди, — дейди эронлик шифокорлар. — Бундай тезкор ва пухта ўйланган қадамлар давлатнинг ўз фуқаролари ҳаёти ва соғлиғини сақлашга бўлган эътиборидан далолатдир.

М. Гуёнинг сўзларига кўра, Эронда коронавирусни ўз вақтида аниқлаш имконини берувчи тестларнинг етарли эмаслиги сабаб мамлакат вақтдан бир оз ютқазди. Бу эса касалликнинг мамлакат бўйлаб кенг тарқалишига сабаб бўлди. Аммо Ўзбекистон мамлакатда коронавирус инфекцияси билан зарарланишнинг биринчи ҳолати қайд этилгунга қадар тайёргарликни бошлаб, кенг миқёсли тадбирларни бажарди.

“Амалга оширилган ишлар кўлами давлат идоралари ва Ўзбекистон аҳолисининг юқори даражадаги сафарбарлик қобилиятидан далолат беради”, дея хулоса қилади эронлик мутахассис.

**«Дунё» АА.**
Теҳрон

# «Тождор» балодан қанчалик тез қутулиш ўзимизга боғлиқ

*Деярли барча давлатга тарқалиб улгурган коронавирус инфекцияси бизнинг мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмади. Бу ҳам бир синов-да. Ушбу синов даврини қандай ўтказиш, бу “тождор” балодан қанчалик тез қутулиш эса ўзимизга, ҳар биримизга боғлиқ.*

## Муносабат

Давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати натижасида бугунги кунда амалга оширилган ишларни эътироф этмасликнинг иложи йўқ. Сабаби ҳатто ривожланган давлатлар ҳам ушбу инфекция хавфига жиддий қарамагани, унинг олдини олишга тезкор чоралар кўрмагани туфайли ўзининг салбий оқибатларини яққол кўрсатяпти.

Мамлакатимизда эса аксинча, коронавирус пандемиясига қарши барча тезкор чоралар ўз вақтида кўрилдики, бу айни пайтда ижобий натижасини бермоқда. Синовли даврни бошимиздан ўтказаётган бир пайтда, фуқаролардан фақат бир нарса — жорий этилган тартиб-қоидаларга якдиллик билан бўйсуниш, иродали, сабрли бўлиш талаб этиляпти, холос.

Аксарият фуқаролар бунинг моҳиятини тушуниб, карантин талабларига амал қилмоқда. Аммо карантин қоидаларини бузаётган, бозорларда учраб қолаётган баъзи тўс-тўполонлар, ҳатто тўй-ҳашамлар ўтказаётган шахсларни кўриб ажабланасан, киши. Кенг жамоатчилик ушбу офатга қарши курашаётган бир пайтда, наҳотки, улар ўзлари қилаётган бундай ишлари нотўғри эканлигини билишмаса?!

Ҳукуматимиз фақат карантинни жорий этиш билан чеклангани йўқ, аксинча, унинг оқибатларини пухта ўйлаб, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳам татбиқ этди. Вирус тарқалиб кетмаслигининг олдини олиш мақсадида хориждан келган минглаб фуқароларимиз карантинда ушлаб турилганлиги ва нафақат уларга, балки барча ватандошларимизга зарур шарт-шароитлар яратиб берилгани жуда катта меҳнат самарасидир.

Биргина таълим тизимини олсак, масофавий таълим, онлайн видео дарслар, фойдали машғулотлар ўтказиш йўлга қўйилди. Бу орқали ўқув дастурлари ўз вақтида ўқувчи-ёшларга етказиб бериляпти.

Ёки ҳар бир оиланинг моддий таъминотини эътиборга олган ҳолда, уларга иш жойидан ҳақ тўланадиган меҳнат таътиллари берилиши, ходимларнинг ўз вазифасини уйида туриб ишлаши учун қулайлик яратилгани, бозорларда нарх-наво ошиб кетмаслиги устидан доимий назорат йўлга қўйилгани ва умуман, бошқа барча ҳолатни бир ўйлаб, мушоҳада қилиб кўриш, буни онгли равишда англаш ҳар биримизнинг бурчимиз-ку, ахир.

Бугун аксарият ота-оналар уйда. Бунинг ҳам ижобий томонлари кўп. Шуларнинг энг муҳими, оилаларда китобхонлик маданияти юксалмоқда.

Энди ўйлаб кўринг, бундай глобал ишлар амалга оширилаётган бир пайтда айрим инсонларнинг халқни эмас, фақат ўзини ўйлаши, бу — халқимизга хиёнат, дегани эмасми?!

Коронавирус касаллигини юртимиздан қувиб чиқариш тадбирларида ҳисса қўшмоқлик учун, аввало, белгиланган талабларга риоя қилиш, сабрли бўлиш ҳамда уйда ўтиришнинг ўзи кифоя.

Халқ ғами билан яшаш — ҳар биримизнинг бурчимиз. Бу қўлимиздан келади. Биз, албатта, “тождор” вирусни биргаликда енгамиз. Мулоҳазаларимни мумтоз шоира Дилшоди Барнонинг қуйидаги мисралари билан якунлашни жоиз, деб билдим:

*Ўзунгни ўйлама танҳо,*
*эл ичра содиқ бўл,*
*Нахўдча етса зиёнинг,*
*ўзинг ҳаётдин кеч!*

**Раъно ТУРДИБОЕВА,**
**халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутати, юридик фанлар номзоди, доцент.**

# Инсонпарварлик ёрдами — азалий дўстлик ифодаси

← 1

Хусусан, куни кеча “Ўзбекистон халқидан Қирғизистон халқига инсонпарварлик ёрдами” шиори остида ташкил этилган инсонпарварлик ёрдами Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, “Ўздонмаҳсулот” акциядорлик компанияси тасарруфидаги “Қўрғонтепа дон маҳсулотлари” акциядорлик жамияти ва юртимиздаги фармацевтика корхоналари ҳамкорлигида амалга оширилди.

Андижон вилоятининг Қўрғонтепа туманидаги темир йўл станциясидан 1000 тонна ун, турли озиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек, коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олишда фойдаланиладиган бир марталик бош кийимли ҳимоя комбинезони, респиратор, қўлқоп, ҳимоя кўзойнаги, пирометр ҳамда тест-системалар ортилган поезд қўшни республикага жўнатилди.

Худди шундай, мамлакатимиз раҳбари номидан афғон халқига Ўзбекистоннинг дўстона ёрдами сифатида Ангрен — Тошкент — Термиз — Мозори-Шариф йўналиши бўйлаб йўлга тушган эзгулик поездида коронавирусга қарши курашда зарур бўладиган — тиббий ниқоблар, ҳимоя комбинезонлари, касалликни аниқлашга ёрдам берадиган тепловизор, пирометрлар, ун, ёғ, гуруч, хўжалик совуни, шунингдек, афғон болалари учун кийим-кечак маҳсулотлари жўнатилди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, бундан аввал Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг топшириғига мувофиқ, Хитой Халқ Республикаси ҳамда Эронга ҳам инсонпарварлик ёрдами жўнатилган эди.

**«Халқ сўзи».**

# Франциядаги ватандошларимиз COVID-19га қарши курашда ўз ҳиссасини қўшишга тайёр

*Коронавируснинг янги тури туфайли вужудга келган пандемияга қарши глобал кураш доирасида Ўзбекистонда ушбу инқироз оқибатларини енгиб ўтиш учун аҳолининг заиф қатламини ҳимоя қилиш, тиббиёт ходимларини қўллаб-қувватлаш ва иқтисодиётни ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.*

## Эътибор

Дунёда, шу жумладан, Ўзбекистонда коронавирус инфекцияси тарқалиши билан боғлиқ вазиятни ҳисобга олган ҳолда, Францияда истиқомат қилаётган ватандошлардан иборат кўнгиллилар “Ўзбекистон билан бирдамлик” акциясини ташкил қилди. Улар ушбу хайрия орқали Ўзбекистонда аҳолининг заиф қатламига ёрдам бериш учун ихтиёрий маблағ йиғишни бошлашди.

Маблағлар фуқароларимизнинг тиббий ва ижтимоий эҳтиёжлари учун йўналтирилади.

Ушбу гуманитар лойиҳада иштирок этишни истаганлар “https://www.lepotsolidaire.fr/pot/keds67ys” ҳаволаси орқали махсус ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказишлари мумкин.

Ўзбекистон фуқароларини қўллаб-қувватлашга ҳисса қўшиш ниятида бўлган инсонларни хабардор қилиб бориш мақсадида ижтимоий тармоқларда қуйидаги гуруҳлар ташкил қилинди:

“Facebook”даги саҳифа: www.facebook.com/groups/covid19uz,

“Telegram” канал: https://t.me/covid19uz_fr | @covid19uz_fr.

Франциядаги ватандошлар ҳамкорликдаги қўшма саъй-ҳаракатлар аҳолининг заиф қатлами ва эпидемияга қарши курашаётган тиббиёт ходимларига қийинчиликларни енгиб, фаол ҳаётга қайтишда ёрдам беришини таъкидламоқда.

**«Дунё» АА.**
Париж

# ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИДА ИЛК БОР «ЕВРО-4» ВА «ЕВРО-5» СИФАТЛИ ДИЗЕЛЬ ЁНИЛҒИСИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛДИ

← 1

“Ўзбекнефтгаз” АЖ тизимини ривожлантириш ва молиявий соғломлаштириш бўйича берилган топшириқлар асосида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводини босқичма-босқич модернизация қилиш, юқори сифатли экологик тоза бўлган дизель ёнилғиси ишлаб чиқариш ишлари жадаллик билан олиб борилди.

Заводда ишлаб чиқарилаётган нефть маҳсулотлари (автобензин ва дизель ёнилғиси) сифати “Евро-2” стандарти талабларига мос келиб, унинг сифатини жаҳон стандартларига мослаш мақсадида, ҳозирда ишлатилаётган катализатор ва цеолит алмаштирилди.

Франциянинг “Axens” компанияси мутахассислари карантин сабабли газойлни гидротозалаш қурилмаси катализаторини алмаштиришда иштирок эта олишмади. Завод ва компания мутахассислари онлайн алоқада бўлишди ҳамда “Axens” компаниясининг схемасига биноан жамият мутахассисларининг ўз кучи билан реакторга янги каталитик тизим ўрнатилди.

Натижада 2020 йилнинг 30 март куни Ўзбекистон тарихида илк бор “Евро-4” ва “Евро-5” синфли экологик тоза ҳамда сифатли дизель ёнилғисининг ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди.

Лаборатория таҳлилларига кўра, олинган дизель ёнилғисида олтингугурт бирикмалари миқдори 3 ppm бўлиб, бу кўрсаткич “Евро-5” синфига мос дизель ёнилғисига тўғри келади (10 ppm дан кўп эмас). Мазкур қурилма мавжуд технологик схемада йилига 100 минг тоннагача “Евро-5” стандартидаги дизель ёнилғиси ишлаб чиқариш имкониятига эга.

“Ўзбекнефтгаз” АЖ матбуот хизмати хабар беришича, “Евро-4” ва “Евро-5” ёнилғиси двигатель ишлаш жараёнини яхшилаш, емирилишни камайтириш, зарарли чиқинди газлар миқдорини кескин камайтириш ва цилиндрлар ишлаш даврини узайтириш каби афзалликларга эга.

**ЎзА.**

Альберт ТУРКСТРА:

# ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ РАҚАМЛАШТИРИЛИШИ РАҚОБАТБАРДОШЛИКНИ ОШИРАДИ

*Европанинг Осиё тадқиқотлари институти катта илмий ходими Альберт Туркстра Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисидаги Фармонига ўз муносабатини билдирди.*

## Дунё нигоҳи

Европалик экспертнинг фикрига кўра, Давлат дастури Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган кенг кўламли ва аҳоли фаровонлигига йўналтирилган ислоҳотларни амалга оширишга имкон беради.

— Фармонда ресурсларнинг катта қисми фан, технологиялар ва инновацияларни ривожлантиришга йўналтирилиши белгиланган, — дейди Альберт Туркстра. — Дунё ҳамжамияти инсон эҳтиёжларини қондиришнинг янги, инновацион ва барқарор усулларини ишлаб чиқиш орқали 2030 йилгача Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни мақсад қилган. Ўзбекистон бу каби мақсадларга эришишда фан ва техника имкониятларидан унумли фойдаланишга интилаётгани қувонарли ҳол.

Шунингдек, эксперт иқтисодиётни рақамлаштиришга жалб этилаётган қисқа ва ўрта муддатли инвестициялар истиқболда мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишини рағбатлантиришнинг устувор йўналишларидан бирига айланишини таъкидлайди. Ўзбекистон иқтисодиётни диверсификация қилишга интилаётгани натижасида давлат бошқаруви, давлат хизматлари даражасини ошириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, ўзбек ёшлари учун янги иш ўринлари яратиш каби йўналишларда ижобий натижаларга эришишига ишонч билдирилади.

— Ўзбекистонда иқтисодиётни рақамлаштиришга қаратилаётган давлат даражасидаги эътибор Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича янгиланган стратегиясига мос келади, — дея фикрини давом эттирди эксперт. — Шунингдек, рақамлаштириш икки минтақанинг келгусидаги ҳамкорлиги учун муҳим йўналиш сифатида белгиланганини эътиборга молик.

**«Дунё» АА.**
Брюссель

# Парламентлараро алоқалар ривожи йўлида

◄1

Қўмита аъзолари мазкур лойиҳа юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар. Махсус ишчи гуруҳи лойиҳани тайёрлаш ва такомилига етказиш ишлари билан шуғулланмоқда. Ишчи гуруҳ ушбу ҳужжатни маромига етказиш борасидаги ишларни давом эттириб, тез кунларда уни Қонунчилик палатаси Кенгашига тақдим этишга келишиб олинди.

Шундан сўнг, депутатлар Туркий тилли давлатлар Парламентлараро Ассамблеясига Ўзбекистон Республикасининг аъзо бўлиши масаласини муҳокама қилдилар. Ушбу масалани жадаллаштириш бўйича Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 2 мартдаги Фармони билан тасдиқланган Давлат дастурида тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланганига эътибор қаратилди.

Таъкидланганидек, ТуркПА — туркийзабон давлатларнинг Парламент Ассамблеяси бўлиб, 2008 йил 21 ноябрда Истанбул шаҳрида асос солинган. Қароргоҳи (Бош котибияти) Озарбайжоннинг Боку шаҳрида жойлашган. Ҳозирги кунда ташкилотга Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия ва Туркманистон давлатлари аъзодир. Венгрия 2018 йилдан бери кузатувчи мақомига эга. ТуркПАнинг бош мақсади — туркийзабон мамлакатларда парламентлараро ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, парламент дипломатияси орқали аъзо мамлакатлар ўртасида сиёсий мулоқотни ривожлантиришга кўмаклашишдан иборат.

Қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикасининг ТуркПАга аъзо бўлиб кириши туркийзабон мамлакатларнинг парламентлари билан ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш, туркий халқларни бир-бирига янада яқинлаштириш, сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар, илмий-техникавий ва бошқа соҳалардаги ўзаро муносабатларни ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшади. Шу кунларда Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси томонидан Ўзбекистоннинг ТуркПАга аъзо бўлишининг мақсадга мувофиқлиги масаласида тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда тадқиқот марказлари билан бирга ўрганиш ишлари олиб борилмоқда.

Йиғилишда, шунингдек, депутат А. Бурҳоновнинг Қирғизистон Республикасига амалга оширган ишчи сафари якунлари бўйича ҳисоботи эшитилди.

Таъкидланганидек, ташриф давомида Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан хавфсизлик, минтақавий барқарорлик ҳамда миллатлараро тотувликни таъминлашга қаратилган минтақавий лойиҳаларни ишга тушириш, Ўзбекистон ва Қирғизистон давлатлари парламентлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди. Хусусан, жорий йил 6 март куни Қирғизистон Республикаси Жогорку Кенеши (Миллий парламент)да парламент аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда Қирғизистон парламенти аъзолари томонидан ҳамкорлик бўйича бир қатор таклифлар билдирилди. Хусусан, Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида парламентлараро алоқаларни ривожлантириш мақсадида Марказий Осиё минтақавий Парламентлараро Ассамблеясини ташкил этиш, Мониторинг ва баҳолаш бўйича Евроосиё минтақавий парламентлараро форумининг 2020 йилдаги йиғилишини Ўзбекистонда ўтказиш, 2020 йил октябрь ойида Қирғизистон Республикасида бўлиб ўтадиган Осиё аёллар форумида Ўзбекистон парламенти вакилларининг ҳам иштирокини таъминлаш, Қирғизистон парламенти делегациясининг Ўзбекистонга ташрифини ташкил этиш кабилар шулар жумласидан.

Йиғилишда кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Зиёда АШУРОВА.**

# ЕОИИ билан ҳамкорлик биз учун устуворми?

◄1

"Миллий тикланиш" ДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ҳам миллий манфаатлардан ва партиянинг сайловолди вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, ҳозирги вазиятда ЕОИИга кузатувчи сифатида киришни таклиф қилмоқда.

"Нима учун кузатувчи мақомида?" деган савол туғилиши табиий.

Иттифоққа аъзо бўлиш тарафдорлари томонидан тақдим этилган ва жуда ишончли кўриниши мумкин бўлган алоҳида кўрсаткич ёки ўлчовларга асосланган чалғитувчи рақамлардан эҳтиёт бўлиш керак. Ушбу масалага мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим роль ўйнайдиган компаниялар, соҳалар ва иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлиги нуқтаи назаридан ёндашиш лозим бўлади. ЕОИИга интеграллашув товарлар, хизматлар, меҳнат ва молиявий бозор эркинлигини беради. Шу ўринда эса ЕОИИ билан ҳамкорликнинг мамлакатимиз молия бозорига таъсири ҳақида сўз юритмоқчимиз.

**Биринчидан**, бугунги кунда меҳнат бозорида таркибий ишсизлик мавжуд бўлиб, талабдан ортиқча таклиф этилаётган ишчи кучи хорижий мамлакатларга кетмоқда. Иқтисодиётнинг валюта оқими каналлари — олтин ва табиий бойликлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш, меҳнат муҳожирларининг пул ўтказмалари, хорижий кредитлар ва инвестицияларга боғлангани туфайли "голландча касаллик"ка чалиниш хавфи юқори бўлиб қолмоқда. Бунда хом ашё экспорти ва хизматлардан келадиган валюта тушуми иқтисодиётни диверсификация қилиш ва рақобатбардошлигини оширишга тўсиқ бўлади.

Натижада реал алмашув курсининг ўсиши ва ички бозорда ишлаб чиқариш саноати маҳсулотларининг тақчиллиги импортга нисбатан босимни юзага келтириб, жорий тўлов балансининг беқарорлашувига олиб келмоқда. Бундан англашиладики, ҳамкорлик Ўзбекистоннинг ташқи савдо ва тўлов балансига ҳамда миллий валюта барқарорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

**Иккинчидан,** ЕОИИ бозорида Россия ўз глобал кун тартибини мутаносиб равишда амалга оширишга интилаётган йирик ва муҳим геосиёсий империя тизими бўлиб қолмоқда. Иқтисодчи Юрий Кофнер томонидан олиб борилган тадқиқотларда ЕОИИ молиявий бозоридаги вазият чуқур таҳлил қилинган. Унга кўра, ЕОИИ молиявий бозори етарлича ривожланмаган. "2017 йилда мазкур бозорда 661 банк фаолият юритиб, уларнинг активлари 1,6 трлн. АҚШ долларини ташкил этган. Шундан 90 фоизи Россия банк тизимига тегишлидир. Суғурта соҳасида эса 73,7 фоиз компаниялар Россияга тегишли бўлиб, улардан тушган мукофотлар жами ЕОИИ мукофотларининг 92,2 фоизини ташкил қилади. Бундан ташқари, Россия капитал бозорининг капитализацияси ЕОИИ бозори капитализациясининг 94,4 фоизини ва савдолар ҳажми 99,6 фоизни ташкил этади". Бу эса ЕОИИ молия бозорида ўйин қоидаларини Россия белгилашини билдиради. Биз бунга тайёрмизми?

**Учинчидан**, мазкур ташкилот доирасида молия бозорини назорат қилувчи ва миллий молия органларидан юқори турувчи органнинг ташкил этилмагани ушбу масаланинг долзарблигини йўқотади. ЕОИИда молия бозорини мувофиқлаштирувчи органнинг йўқлиги ҳуқуқий жиҳатдан унинг ваколатлари етишмаслиги ушбу бозорга инвесторлар томонидан ишончнинг тушиб кетишига олиб келади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда мамлакатимиз ўз иқтисодий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ҳаракат қилмоғи лозим. Бугунги кундаги халқаро тажриба орқали ёндашадиган бўлсак, ЕОИИ иштирокчи давлатлари билан икки тарафлама манфаатли келишувларни бир қанча (Вьетнам, Сербия, Хитой) мамлакатлар имзолаб келмоқда. Ўзбекистоннинг ҳам ушбу давлатлар сингари икки томонлама келишув ёки мазкур ташкилотга кузатувчи мақомидаги иштироки алоҳида аҳамият касб этади.

**Жаҳонгир АБДУРАСУЛОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,**
**Ўзбекистон «Миллий тикланиш» ДП фракцияси аъзоси.**

## Депутат фикри

***Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида аграр соҳани ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларига тўхталиб, иқтисодиётимиз ривожи, аҳоли бандлиги ва даромадлари ўсишини таъминлайдиган энг муҳим соҳа — қишлоқ хўжалигини стратегик ёндашувлар асосида тараққий эттириш зарурлигини алоҳида таъкидлаган эди.***

# ВАЗИФАЛАР – ЗАЛВАРЛИ, ИЖРО ИШТИЁҚИ – БАЛАНД

Шундан келиб чиқиб, "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" Давлат дастурида белгилаб берилган устувор вазифалар асосида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йилга мўлжалланган иш режаси тайёрланди. Мазкур иш режада аграр соҳада қонун ижодкорлиги фаолияти, қонун устуворлигини таъминлаш, иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш, назорат-таҳлил фаолияти каби устувор масалалар ўрин олди.

Давлат дастурида тўғридан-тўғри амал қиладиган қонунлар ишлаб чиқиш вазифаси ҳам қўйилган. Қуйи палатанинг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси соҳага тегишли қонун ҳужжатларини инвентаризациядан ўтказиб, таҳлил этишга жиддий аҳамият қаратяпти. Бу борада амалдаги қонунларнинг бугунги кун талабларига жавоб бермайдиган нормаларини такомиллаштириш, ҳуқуқий камчиликлар мавжуд бўлган долзарб соҳа ва тармоқларни аниқлаш, муаммоларни бартараф этишга оид зарур қонунлар қабул қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш муҳимдир.

Бугунги кунда Ўзбекистонда аграр соҳада кластерлар фаолиятининг йўлга қўйилгани дастлабки натижаларини бермоқда. Ўтган йили мамлакатимизда пахта ҳосилининг 73 фоизи 73 та пахта-тўқимачилик кластери улушига тўғри келди. Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг замонавий усулларини йўлга қўйиш, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш халқаро амалиётда ўзини оқлаган. Йил дастурида аграр тармоқда фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш билан бирга, пахта ва ғалла етиштиришни кластер шаклига босқичма-босқич ўтказиш чора-тадбирларини давом эттириш, мева-сабзавотчилик кластерларини ташкил этиш алоҳида бандлар билан белгиланган.

Қўмитамиз томонидан қишлоқ хўжалигида кластер ва кооперация муносабатларининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш борасида ишлар олиб борилиб, тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ишчи гуруҳ шакллантириляпти.

Ишлаб чиқиладиган "Кооперация ва кластерлар тўғрисида"ги янги қонун лойиҳаси қишлоқ хўжалиги соҳасида кооперация муносабатлари билан боғлиқ нормаларни ягона қонун ҳужжатига бирлаштириш ва ҳужжатларни унификациялаш ҳамда фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ўзаро кооперация муносабатларини жорий этишнинг ҳуқуқий асосларини яратишни назарда тутади.

Шу билан бирга, Давлат дастурида аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, бу борада чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш, сабзавот, полиз ва картошка экинлари уруғларини етиштириш, уларни апробациядан ўтказиш, етиштирилган уруғликларни сақлаш бўйича ҳуқуқий асосларни яратиш, республикада узумчилик ва виночилик соҳасини янада ривожлантириш, жумладан, туризм хизматларини кўрсатишга йўналтирилган кичик виночилик корхоналарини ташкил этиш вазифалари белгиланган.

Албатта, буларни амалга оширишда ҳуқуқий-норматив ҳужжатларни такомиллаштириш устувор аҳамиятга эга. Шу боис Давлат дастурида белгилаб берилган "Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқиш муҳим ўринга тутади.

**Мазкур қонун лойиҳасида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар, реализация қилувчилар, истеъмолчилар ва давлат назорат органларининг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятларини аниқ белгилаш, савдо тармоқларида назорат харидини амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини яратиш, юридик ва жисмоний шахслар томонидан санитария қоидалари ва гигиена нормативларига риоя этилиши бўйича маъмурий жавобгарлик чораларини белгилашга оид нормалар назарда тутилади.**

Яна бир масала, йил дастурида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда, аграр соҳа қонунчилик ижросининг сўзсиз бажарилиши бўйича назорат-таҳлилий фаолиятини янада кучайтиришни биринчи галдаги вазифа сифатида белгилаб олганмиз. Соҳадаги бир қатор вазирлик ва идораларнинг қонунлар, Президент фармонлари, қарорлари ва давлат дастурларининг ижроси юзасидан ахборотини парламент эшитуви, назорат-таҳлил тадбирлари асосида эшитиш режалаштирилган.

Қолаверса, Вазирлар Маҳкамасига "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган устувор йўналишларни амалга ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида" парламент сўровини юбориш, бу борада Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг ахборотини ҳар чоракда эшитиб бориш ҳам кўзда тутилган.

Парламент сўровида мазкур стратегияда белгиланган устувор йўналишларнинг ўз вақтида ва самарали бажарилишини ташкил этиш юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш назарда тутилади.

Эшитувда эса ҳар чорак якунлари бўйича қишлоқ хўжалиги вазирининг ушбу стратегияда белгиланган вазифаларни амалга ошириш юзасидан "Йўл харитаси" ижросига оид ишлар таҳлилий, танқидий кўриб чиқилади.

Бу борадаги ишларнинг мантиқий давоми сифатида 2020 — 2030 йилларда сув хўжалигини ривожлантириш концепцияси лойиҳасини ишлаб чиқиш режалаштирилган. Мазкур лойиҳада концепцияда белгиланган вазифаларни бажариш орқали 2030 йилга бориб эришиладиган натижаларнинг кўрсаткичлари, суғориш тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш орқали улардаги фойдали иш коэффициентини 0,64 дан 0,70 га ошириш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, фойдаланишдан чиққан 298 минг гектар ерни фойдаланишга қайтариш, насос станцияларини модернизация қилиш ҳамда энергия тежамкор тадбирларни амалга ошириш орқали электр энергия сарфини ҳозирги 7,6 миллиард кВт. соатдан 7 миллиард кВт. соатга камайтиришга эътибор қаратилади.

Шунингдек, сувни тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, 2025 йилгача сувни тежайдиган технологиялар қўлланиладиган ер майдонларини 1 миллион гектарга етказиш, томчилатиб суғориш тизимини 300 минг гектардан ортиқ майдонда жорий этиш, сув хўжалиги объектларини бошқариш жараёнларини, сувни назорат қилиш ва унинг ҳисобини юритиш тизимини автоматлаштириш чоралари кўрилади.

**"Smart Water" қурилмалари ўрнатилган объектлар сонини 2025 йилгача 400 тага етказиш ва 2030 йилга бориб, улар сонини мингдан ошириш, барча насос станцияларининг электр энергия сарфини онлайн мониторинг қилиш тизимига ўтказиш, лойиҳа ташкилотларининг моддий-техника базасини яхшилаш, лойиҳа ҳужжатлари сифатини ошириш мўлжалланган. Лойиҳани 400 минг АҚШ доллари микдорида Осиё тараққиёт банкининг грант маблағлари ҳисобидан амалга ошириш мақсад қилинган.**

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисларида давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ўз фаолияти бўйича, шунингдек, Ҳукумат аъзолари ва тармоқлар раҳбарларининг БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларини бажариш, илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги ахборотларини эшитиш амалиёти йўлга қўйилмоқда.

Бу озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, овқатланиш рационини яхшилаш ҳамда қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишига кўмаклашиш каби долзарб масалаларни ҳал этишда ғоятда муҳим аҳамиятга эгадир.

Қисқаси, қўмитамиз йил дастури ҳамда ўз олдига қўйган залварли вазифалар ижросини таъминлашга қатъий киришган. Зеро, бу саъй-ҳаракатлар ҳаётимиздаги ижобий ўзгариш ва янгиланишларга замин яратади.

**Равшан МАМУТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси.**

# ХАЛҚ ИРОДАСИНИНГ КЎЗГУСИ

*Ҳар қандай давлат тараққиётининг янги даврида, энг аввало, давлат бошқаруви тизимини давр ва келажак талабларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш зарурияти туғилади. Мамлакатимизда давлат бошқаруви соҳасидаги ислоҳотлар айнан, олий вакиллик органи — парламентни ислоҳ этишдан бошланди. Биринчи навбатда, давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлиснинг роли оширилиб, унинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатига оид муҳим вазифаларини ҳал этиш ва ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатлари янада кенгайтирилди, давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг роли кучайтирилди.*

## Сенатор мушоҳадаси

Қайси давлатда бўлмасин, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, қонун устуворлигини ўрнатиш орқали халқ манфаатларини таъминлашда бевосита парламент институтининг ўрни беқиёс. Буни демократия ривожланган давлатлар мисолида кўриш мумкин. Парламентнинг роли юксак бўлса, адолатли қонунлар қабул қилинади. Адолатли қонунлар эса парламентни "Халқ уйи"га айлантиради. Мисол учун, Германиянинг Бундестаг биноси ҳовлисидаги майдонда "Халқ" деган ёзув қўйилган. Депутатлар бинонинг қайси ойнасидан кўчага қарамасин, кўзлари ана шу ёзувга тушади. Бу эса уларда "Бизга халқ қараб турибди. Ҳар бир қонун остида инсонлар тақдири ва орзу-умидлари ётибди" деган тушунчани шакллантиради.

Ривожланган мамлакатларда парламент халқ вакиллиги ва қонун чиқарувчи орган сифатида фаолият юритади. Шу билан бирга, у назорат вазифаларини ҳам бажаради. Назорат — парламентнинг энг муҳим ва масъулиятли функцияларидан биридир. У замонавий парламентаризм тамойилининг ижтимоий-сиёсий ҳаётда қўлланилишига хизмат қилади.

Бугунги кунда давлат ҳокимияти органларини демократлаштириш ва модернизациялашнинг янги даври бошланди. Бунда "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" деган ҳаётий тамойил давлат бошқарувининг муҳим мезони сифатида амалиётга жорий этилмоқда. Бунда мамлакатимизда парламент назорати институтини демократик тамойиллар ва қадриятлар асосида янада такомиллаштириш давр талабидир.

Бельгиянинг "The institute for impact Assessment and Scientific Evaluation of Policy and Legislation" марказининг тадқиқот натижаларига кўра, ижро ҳокимияти устидан парламент назоратини олиб боришнинг 80 дан ортиқ шакллари мавжуд. Парламент амалиётида энг кўп учрайдиган назорат шакллари, бу — ижро этувчи ҳокимият таклиф этган олий мансабдор шахсларни лавозимга тасдиқлаш, лавозимидан четлатиш ҳамда жавобгарликка тортиш, ҳукуматга ишонч ёки ишончсизлик билдириш вотумини эълон қилиш кабилардир.

Илғор хорижий мамлакатлар тадқиқот марказларида сиёсий тизим ривожланишида парламент назорати институти самарадорлигини янада ошириш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. АҚШнинг "The Brookings Institution" тадқиқот маркази хулосаларига кўра, парламентда қонун лойиҳаларини самарали ишлаб чиқишга юқори малакали амалиётчи мутахассисларни жалб қилиш ва лойиҳаларни кичик апробациядан ўтказиш усулларини амалиётда қўллаш қонунларнинг жамиятда тўлиқ ишлаши ҳамда ижроси бўйича назоратни амалга оширишни таъминлайди. Масалан, "RAND Corporation" тадқиқот маркази АҚШ ижро ҳокимияти томонидан парламентга соҳалар бўйича тақдим этилган бюджет харажатларини экспертизадан ўтказади ва унинг натижаси бўйича маълумотларни Конгресс қўмиталарига қарор қабул қилиш учун тақдим этади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис Сенатининг биринчи мажлисида сенаторлар олдига аҳолини қийнаётган муаммоларни ҳал этишнинг самарали тизимини яратиш, бу борада сенаторлар ташаббус кўрсатиб, аниқ таклифлар киритишини алоҳида таъкидлади. Мажлисда шунингдек, бевосита жойларга бориб, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирокида Сенат Кенгаши ва қўмиталарининг сайёр мажлисларини ўтказиш аҳолини ташвишга солаётган муаммоларни тезкорлик билан ҳал қилиш имконини беришини қайд этиб ўтди. Бу эса сенаторлар халқнинг дарду-ташвишларини ўрганиши ҳамда улар ҳал этилишида тегишли давлат идоралари фаолиятини янада кучайтириш нуқтаи назаридан ҳам жуда муҳимдир. Шундай экан, сенаторларимиз бу борада ташаббускор бўлиб, масъулиятни ўз зиммаларига олишлари зарур.

Маълумки, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"-да амалга оширишга оид Давлат дастурида 2020 йилдан бошлаб Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати фаолиятида фуқароларнинг интернет тармоғидаги мурожаатлари асосида парламент ва депутат сўровларини шакллантириш, сайловчилар билан бевосита мулоқот қилиш мақсадида электрон портал ва мобиль иловадан фойдаланиш имконини берувчи "Электрон парламент" тизими жорий этилиши назарда тутилган.

> *Янги Ўзбекистондаги жадал ислоҳотлар янги парламент олдига улкан вазифаларни қўймоқда. Бу, аввалло, парламент "Демократия уйи", "Халқ уйи" мақомига муносиб бўлишдек масъулият билан боғлиқдир. Қонунлар ижросини назорат қилиш бугунги кунда энг муҳим вазифаларимиз сирасига киради. Парламент томонидан қабул қилинаётган қонунлар халқнинг корига яраши, одамларнинг мушкулини осон қилиши, жамиятда қонун устуворлиги ва адолатни таъминлашга хизмат қилиши лозим.*

Қолаверса, жорий йил 1 августдан бошлаб Олий Мажлис Сенатида Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги элчилари ҳисоботини эшитиш, шунингдек, аҳолини ташвишга солаётган муаммоларни тезкорлик билан ҳал қилиш мақсадида ўрганилган масалалар бўйича бевосита жойларга бориб, вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирокида Сенат Кенгаши ва қўмиталарининг сайёр мажлисларини ўтказиш тизими йўлга қўйилади.

2020 йил 1 июлга қадар "Mening fikrim" веб-порталининг мобиль иловаси ишга туширилади ва веб-порталга келиб тушаётган мурожаатларни депутатлар, мутахассислар ва кенг жамоатчиликни жалб қилган ҳолда, оммавий ахборот воситаларида муҳокама қилиш ташкил этилади.

Албатта, бу каби вазифаларнинг амалга оширилиши давлат ва жамият ҳаётида қатор ижобий ўзгаришларга олиб келади. Энг асосийси, долзарб муаммолар аҳоли билан очиқ муҳокама этилиб, уларнинг ечимини топишга хизмат қилади.

Бугун мамлакатимизда давлат ҳокимияти, айниқса, парламент соҳасини ислоҳ этиш замирида Олий Мажлис фаолиятини тубдан янгилаш, дунёга юз очаётган Ўзбекистон халқининг фаровон келажагига ҳисса қўшадиган "Халқ уйи"ни барпо этишдек масала долзарб бўлиб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг парламентга йўллаган Мурожаатномасида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, Олий Мажлис Сенатининг "Ҳаракатлар дастури" тасдиқланди ва сенаторлар зиммасига қатор масъулиятли вазифалар юклатилди. Унга кўра, айни пайтда сенаторлар маҳаллий Кенгашлар билан самарали ҳамкорликни амалга оширмоқда, жойлардаги муаммоларни ҳал этишга амалий кўмак бермоқдалар.

Бу борада амалий ишлар бошланди. Жумладан, яқинда халқ депутатлари Зарафшон шаҳар Кенгаши сессиясида Кенгаш фаолиятини намунали ташкил этиш, мавжуд муаммоларни ҳал этишда унинг ролини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинди. Сессияда ҳудуддаги долзарб муаммолар, айниқса, ишсизлик ва уни ҳал қилишнинг асосий шарти бўлган янги иш ўринлари яратиш масаласига асосий эътибор қаратилди.

Ўрганишлар Зарафшон шаҳрида 763 нафар ишсиз ёшлар борлигини кўрсатмоқда. Сессияда депутатлар, ташкилот ва корхоналар раҳбарларига ишсиз ёшларни бириктириш билан бу муаммони ҳал қилиш таклифи билдирилди. Бу таклиф депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Дарҳақиқат, янги Ўзбекистондаги жадал ислоҳотлар янги парламент олдига улкан вазифаларни қўймоқда. Бу, аввало, парламент "Демократия уйи", "Халқ уйи" мақомига муносиб бўлишдек масъулият билан боғлиқдир. Қонунлар ижросини назорат қилиш бугунги кунда энг муҳим вазифаларимиз сирасига киради. Парламент томонидан қабул қилинаётган қонунлар халқнинг корига яраши, одамларнинг мушкулини осон қилиши, жамиятда қонун устуворлиги ва адолатни таъминлашга хизмат қилиши лозим. Ҳар бир депутат ва сенатор иш фаолиятига ана шу ҳаётий мезонлар билан ёндашиши керак, деб ўйлайман.

Ўзбекистон халқи бизга умид ва ишонч билан қараяпти. Юртимизда эса "Парламент халқ иродасининг ҳақиқий кўзгуси бўлиши зарур" деган улуғвор ғояни амалда намоён эта оладиган шахдам қадамлар қўйилмоқда.

**Қувондиқ САНАҚУЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.**

# БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА



1 9 та маҳалла фуқаролар йиғини ва унинг таркибидаги 48 та қишлоқда мавжуд турар ва нотураржой биноларини тартибга солиш, коммуникация тармоқлари, маиший хизмат кўрсатиш ҳамда ижтимоий соҳа объектларини янгилаш ва таъмирлаш, фуқароларни оммавий тиббий кўрикдан ўтказиш ҳамда яшаш шароитларини яхшилаш ишлари бажарилди. Хонадонлар, ижтимоий соҳа ва бошқа объектларда қурилиш-таъмирлаш юмушлари олиб борилди. "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси томонидан "Жўш ота" массивида намунавий лойиҳалар асосидаги янги уй-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу билан ҳудуддаги эҳтиёжманд, кам таъминланган, уй-жойга муҳтож оилалар муқим бошпанага эга бўлди.

— Бугун Жўшнинг 40 мингдан зиёд аҳолиси учун янги шаҳарча яратилди, — дейди сенатор Фармон Тошев. — Бу каби улкан бунёдкорлик, яратувчилик ишлари бир пайтлар чекка ҳудуд ҳисобланган қишлоқ аҳолиси турмуш маданиятини юксалтириш, одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашига, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Қисқача айтганда, бу ерга жуда катта маданият етиб келганлиги давлатимиз раҳбари олиб бораётган оқилона сиёсатнинг натижаси, деб биламиз.

Ҳудуддаги 19 та мактаб тўлиқ таъмирланиб, 11 мактабгача таълим ташкилоти ташкил этилди. 9 та янги маҳалла маркази қурилди. Инвестиция дастури асосида Қўшработ тумани тиббиёт бирлашмаси Жўш филиалининг болалар ва ички касалликлар бўлими, "103" хизматининг тез ёрдам бинолари янгидан қурилди. Уларни тоза ичимлик суви билан доимий таъминлаш мақсадида сув иншооти, Чиммос қишлоғида қишлоқ врачлик пункти биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, "Қўштамғали" қишлоқ врачлик пункти мукаммал таъмирланди. Улар замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

— Етарли шароитларга эга бўлмаган бир қаватли, кўримсиз шифо масканимиз ўрнида янги, икки қаватли бино қурилди, — дейди туман тиббиёт бирлашмасининг Жўш филиали катта ҳамшираси Клара Бобоназарова. — 25 ўринли шифохонада 4 та бўлим ишлаб турибди. Жўш ота ва Юқори Жўш маҳаллаларининг 7000 нафарга яқин аҳолисига хизмат кўрсатамиз.

Дастур доирасида Жўш қишлоғидаги таълим ташкилотлари фаолиятини яхшилашга ҳам устувор аҳамият қаратилди. 32, 41, 4, 57-умумтаълим мактаблари, 54-умумтаълим мактабининг "Чимқўрғон" ҳамда "Канда" филиаллари, 56 ва 64-мактаблар таъмирдан чиқарилди. Улар зарур ўқув адабиётлари, лаборатория жиҳозлари ҳамда спорт инвентарлари билан таъминланиб, ўқувчиларнинг сифатли таълим олиши учун қулай шароитлар яратилди.



Жўш ота маҳалласида жойлашган 9, 11-мактабгача таълим ташкилотларида мавжуд 60 ўринга мўлжалланган 3 гуруҳ кенгайтирилиб, 4 та гуруҳда 100 нафар болажоннинг тарбияланиш имконияти яратилди. Маҳалладаги туман тиббиёт бирлашмасининг эски биноси қайтадан таъмирланиб, бу ерда 50 ўринга мўлжалланган мактабгача таълим ташкилоти ташкил этилди. Шундай қилиб, Жўш ота маҳалласида яшовчи 3 — 7 ёшли болаларнинг ярми мактабгача таълимга қамраб олинди.

— Фарзандларимиз учун жой етишмас, шароитлар ҳам бир аҳволда эди, — дейди 9-мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси Наргиза Ҳаққулова. — Мана, қисқа фурсат ичида барча қулайлик яратилди. Қувонарлиси, муассасамизда болажонлар шаҳарникидан қолишмайдиган шароитларда тарбияланадиган бўлди. Бундан биз ҳам, ота-оналар ҳам мамнун.

"Обод қишлоқ" дастури асосида Жўш ота, Юқори Жўш, Чиммос, Тоз маҳаллалари марказлари янгидан қурилиб, профилактика инспектори, маҳалла мутахассисларининг ишлаши, фуқароларни қабул қилиши, улар билан турли мулоқотлар ўтказиши учун кенг имкониятлар яратилди. Маҳалла бинолари зарур жиҳозлар билан таъминланди.

## Йўллар равон, кўчалар чароғон

Жўш қишлоғида қаровсиз ва эътибордан четда қолиб келган йўллар қишда лой, ёзда эса чангтўзон бўлиб, ҳайдовчилар учун ҳам, аҳоли учун ҳам ноқулайликлар туғдириб келарди. Дастур доирасида қишлоқ кўчалари, йўллар, кўприклар таъмирланди, атрофлари ободонлаштирилди. 140 километр ички тош йўллар созланиб, 60 километр йўлга асфальт ётқизилди. 13 километрлик пиёдалар йўлаклари қурилди. 4 та автомобиллар тўхтаб туриш майдони ташкил этилди. "Самарқандйўлкўкалам" унитар корхонаси томонидан автомобиль йўллари четига 4 мингдан ортиқ манзарали дарахтлар экилди ва уларнинг доимий парвариши назоратга олинди.

Ўтган асрнинг 70-йилларида ўрнатилган симёғочлар бугун нософ ҳолатга келиб қолган, бу эса мазкур ҳудудда истиқомат қиладиган аҳолини қийнаб келаётган муаммо эди. "Обод қишлоқ" дастури доирасида ҳудудда 18 та қуввати паст трансформатор юқори қувватли трансформаторларга алмаштирилди. 93 дона трансформатор тўлиқ капитал таъмирланди. 650 та бетон таянч устун, тунги ёритиш устунлари ўрнатилди. 35 километр янги электр тармоғи тортилди. Ичимлик суви масаласи ҳам ҳал этилди.

## Қўрғон қишлоғида баҳор бахши боғидан бошланди

Ўзбек бахшичилигидаги Қўрғон достончилик мактабининг асосчиларидан бири — Эргаш Жуманбулбул ўғли Жўшнинг Қўрғон қишлоғида туғилиб вояга етган. Дастур доирасида қишлоқ маркази замонавий шаҳарчага айлантирилди. Унинг devори пахсадан бўлган уй-музейи ва кўримсиз боғ ўрнида бугун гўзал манзара касб этган муқаддас зиёратгоҳ барпо этилди. Мажмуада Эргаш Жуманбулбул ўғли мақбараси, ҳайкали ва мемориал музейи ўрин олган.

— Эргаш бобомнинг эски уй-музейи отам Ойдин Синдоров ташаббуси билан ташкил этилган эди, — дейди юридик фанлар доктори Комил Синдоров. — У қишлоқма-қишлоқ юриб, икки йил давомида 3 мингдан зиёд экспонатлар йиққан. Бахши бобомга тегишли бўлган дўмбиралар, кийимлар, рўзғор буюмлари ва бошқа ноёб экспонатлар 40 йилдан зиёдроқ вақт давомида ўша эски уй-музейида сақланди. Бугун эса улар замонавий музейдан жой олиб тургани бобомизнинг руҳини шод этади.

Боғ атрофида вилоят ва туман маҳаллий бюджети маблағлари ҳамда бошқа манбалар ҳисобидан бунёд этилган, эҳтиёжманд, турар-жойга муҳтож оилалар учун мўлжалланган 70 дан ортиқ янги уй-жойлар, шинам иншоотлар Қўрғон кўркига кўрк қўшиб турибди. Бир йил аввал кечалари зимистон бўлган кўчалар бугун чароғон.

Қўрғон қишлоғидаги ушбу гўшада байрамона баҳорий шукуҳ ҳукмрон. Мажмуанинг очилиш тадбирида Эргаш Жуманбулбул ўғли ҳайкали пойига анвойи гуллар қўйилди.

Бугун мамлакатимизда илм-фанга, маданият ва маърифатга қаратилаётган юксак эътибор, ижод аҳлига кўрсатилаётган ғамхўрлик, айниқса, улуғ шоир ҳамда адибларимиз хотирасини абадийлаштириш борасидаги эзгу ишлар таҳсинга лойиқ.

## Қадимий масканларда замонавий қиёфа

Дастур доирасида ҳудуддаги узоқ йиллар давомида эътиборсиз қолган, XI асрга тегишли энг қадимий масжидлардан бўлган "Жўш ота" жоме масжиди қайта таъмирланиб, ўзгача қиёфа касб этди. Унинг ёнгинасидаги кўҳна деҳқон бозори ўрнида янги, замонавийси барпо қилинди. 1200 савдо растасига эга ушбу мажмуада олис қишлоқ аҳолисига замонавий савдо хизматлари кўрсатиш учун шарт-шароит яратилди. Қўшработ майизи, нон ва нон маҳсулотлари, миллий ҳунармандлик буюмлари сотиш учун алоҳида савдо павильонлари бунёд этилди. Бозор атрофида эса тадбиркорларга юзга яқин савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталари ажратилди, улар бир хил лойиҳа асосида қурилиб, санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган шароитлар яратилди.

"Жўш ота" истироҳат боғида турли аттракционлар, фаввора, амфитеатр, спорт майдони ва бошқа иншоотлар қурилиб, аҳолининг мароқли дам олиши учун қулай шароитлар яратилди. Боғ атрофи ободонлаштирилди, манзарали дарахт ва гул кўчатлари ўтқазилди.

— Мен 77 ёшга кириб, Жўшда сўнгги йиллардаги каби ободончилик ишлари амалга оширилганлигини кўрмаганман, — дейди меҳнат фахрийси Умрзоқ Пўлатов. — Замонавий болалар боғчалари, мактаблар, тиббиёт муассасалари барпо этилди. Буни узоқ йиллардан бери кутган эдик, давлатимиз раҳбарига раҳмат.

Жўшда "Самарқанд файз барака чеварлари" тикувчилик корхонаси ишга туширилиб, 100 нафардан зиёд хотин-қизларнинг бандлиги таъминланиши 5 муҳим ташаббуснинг амалий ифодасига бир мисол бўлди. Дастур доирасида туман ИИБ бўлимига қарашли 14-бўлинманинг янги биноси қад кўтарди. Бу ерда маърифат хонаси, видеокузатув камераларга уланган ситуацион марказ, фуқароларни қабул қилиш хонаси ташкил этилган бўлиб, улар тўлиқ замонавий жиҳозлар билан таъминланган.

...2020 йил баҳорининг илк кунлари жўшликлар учун мана шундай унутилмас онларга бой бўлди.

## «Энди фарзандларим билан бирга яшай оламан»

Бу каби янгиланишлар вилоятнинг барча ҳудудида давом этяпти. Самарқанд шаҳрининг Қорасув мавзесидаги Обод маскан маҳалласида 18 та янги кўп қаватли замонавий уй фойдаланишга топширилди. Вилоят ҳокимлиги томонидан оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, кам таъминланган, ногиронлиги бўлган ва боқувчисини йўқотган, уй-жойга ўта муҳтож оилаларни ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга яшаш ҳуқуқи билан, тасарруф этиш ҳуқуқисиз, беғараз тарзда 40 та хонадон, шунингдек, уй-жойга муҳтож вилоят ташкилотларида фаолият олиб бораётган мутахассисларга 60 та хонадон ажратилди.



> *— Ўн беш йилдан буён уйсизлик туфайли қийналганимдан болаларимни Меҳрибонлик уйига топширишга мажбур бўлганман, — дейди Насиба Улуғмуродова. — Мана, бугун икки хонали уй олдик. Энди фарзандларим билан бирга яшай оламан.*

— Ўн беш йилдан буён уйсизлик туфайли қийналганимдан болаларимни Меҳрибонлик уйига топширишга мажбур бўлганман, — дейди Насиба Улуғмуродова. — Мана, бугун икки хонали уй олдик. Энди фарзандларим билан бирга яшай оламан.

Туркия технологияси асосида барпо этилган мазкур замонавий уйлар 9 балли зилзилага бардош бера олади. Ҳар бир хонадонда замонавий иситиш мосламаси, газ ускунаси, ошхона мебели бўлиб, уйлар яшаш учун тайёр ҳолда топширилмоқда.

"AGROMIR BULDINGS" МЧЖ томонидан қурилаётган ушбу замонавий тураржойлар лойиҳаси 47 бинодан иборат бўлиб, қолганлари жорий йилнинг июнь ойигача топширилиши режалаштирилган. Ҳар бир бино қурилишига 8 миллиард сўм сарфланган.

— Бу шаҳарчада 100 минг ўринли хонадонлар қурилади, — деди вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов. — Бугун шаҳарчада мингта хонадон эгаларига топширилди. Келгусида 24 қаватли уйлар ҳам барпо этилиши режалаштирилган. Шунингдек, автомашиналар учун махсус тўхташ жойлари қурилади. Яна 1670 ўринли мактаб қурилиши бошланди. Ушбу муассаса жорий йил сентябрь ойида фойдаланишга топширилади.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, мазкур масканда ўтган қисқа даврда 24 та 5 қаватли, 45 та 7 қаватли, 4 та 12 қаватли, 5 та 14 қаватли ва 9 та 16 қаватли жами 3848 та уй қурилиб, фойдаланишга топширилди.

## «Нурафшон» Кимёгарлар қўрғонига файз олиб келди

Шаҳарнинг Кимёгарлар қўрғонидаги маданият саройи ҳам янгидан иш бошлади. Санъат саройининг очилиш маросими барчанинг қалбига баҳорий илиқлик олиб кирди. Неча йиллардан буён фойдаланилмаган, ташландиқ ҳолга келган бу ҳудуд мўъжазгина гавжум гўшага айланди. Бу ерда 2019 йил январь ойида маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 15,4 миллиард сўм маблағ ажратилиб, қайта таъмирлаш ишлари олиб борилди. Марказга аҳоли таклифларидан келиб чиқиб, "Нурафшон" дея ном берилди. Бу ерда кутубхона ва 10 га яқин тўгараклар, ёшлар боғи ва кафеси, замонавий футбол майдони ташкил этилган. 350 томошабинга мўлжалланган концерт зали замон талаблари даражасида таъмирланиб, жиҳозланди. Санъат саройида сўнгги русумдаги ускуналар билан жиҳозланган замонавий овоз ёзиш студияси ҳам бор. Марказ ҳовлисига мусиқали фаввора ўрнатилди. Таъмирталаб йўлларга асфальт ётқизилди, тураржойлар ободонлаштирилди, ёритқич симёғочлар ва велосипед йўлаги қурилди.



— Оммавий тадбирлар одатда шаҳар марказидаги истироҳат боғларида ўтказилар эди, — дейди шу маҳаллада яшовчи уй бекаси Гулшод Шарипова. — Энди бизнинг Кимёгарлар қўрғони ҳам халқ сайиллари, байрам тадбирлари ўтказиладиган масканга айланганидан хурсандмиз.

Шаҳардаги "Ҳазора" маҳалла фуқаролар йиғинида 2019 йилнинг июнь ойида янги поликлиника биноси қурилиши учун 4 миллиард 268 миллион сўм маблағ ажратилиб, "Маъруф қурилиш сервис" МЧЖ томонидан бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Барча қулайликка эга, 200 қатновга мўлжалланган 3 қаватли замонавий бино яқинда фойдаланишга топширилди.

Муассаса замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Лаборатория учун биохимик анализатор, бинокуляр микроскоп, уч каналли ЭКГ аппарати ва компьютерлар ажратилди. Бу ерда барча шароитга эга "Аёллар маслаҳатхонаси" бўлими, "Оналар мактаби", "Соғлом она ва бола" хоналари мавжуд. Тез тиббий ёрдам ходимлари учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Ушбу муассаса шифокорлари ва тиббиёт ходимлари янги бинода ҳудуддаги 5 та маҳалла — Боғисарой, Ҳунармандлар, Хазора, Ватанпарвар ва Дўстликдаги 29 мингдан зиёд аҳолига тиббий хизмат кўрсатмоқда.

## Оқдарё оқар дарё

Оқдарё туманининг "Янгиобод" маҳалла фуқаролар йиғинидаги Равот қишлоғида эса "Afrasiab jeans textile" корхонаси фаолиятини бошлади. Кластер тизими асосида ташкил этилган ушбу корхонада ерга чигит қадашдан тортиб, пахтани йиғиб-териб олиш ва қайта ишлаб, кийим-кечаклар тайёрлаш жараёнлари амалга оширилади ҳамда маҳсулотлар, асосан, экспортга йўналтирилади. Жинси матолари ва бошқа тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган мазкур корхонани бунёд этиш учун 40 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланди. Мазкур қувват 12 гектар майдонда жойлашган бўлиб, унинг қарийб 5 гектарида бевосита ишлаб чиқариш жараёни олиб борилмоқда. Корхона бир йилда 22 миллион погонометр маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятига эга. Япония, Жанубий Корея ва Хитойдан келтирилган замонавий ускуналар билан жиҳозланган корхонанинг фаолият бошлаши билан 1100 нафар маҳаллий аҳоли вакиллари муқим иш жойига эга бўлди. Уларнинг аксариятини корхона атрофида жойлашган 6 та маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудларида истиқомат қилувчи қишлоқ ёшлари ташкил этади.

Самарқанд вилоятида амалга оширилаётган бу каби улкан бунёдкорлик, яратувчилик ишлари аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтириб, одамларни ҳаётдан рози бўлиб яшашга, эртанги кунга бўлган ишончи янада мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.

**Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ («Халқ сўзи»).**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 46 680 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Султонов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Топширилди — 23.40 1 2 3 4 5 6